



СПОРТ – ТИНЧЛИК ЭЛЧИСИ

ПРЕЗИДЕНТ СТОЛ ТЕННИСИ БЎЙИЧА ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ ФИНАЛ УЧРАШУВЛАРИНИ ТОМОША ҚИЛДИ

Қасим-Жумарт Тўқаев Астана шаҳрида стол тенниси бўйича Осиё чемпионатининг якка ва жұфт баҳслари финалини томоша қилди.

Ушбу чемпионатда 26 давлатдан 210 нафар спортчи иштирок этди. Улар орасида Олимпия ва жаҳон чемпионлари ҳам бор.

Астанадаги стол тенниси бўйича Осиё чемпионатида эркаклар ўртасидаги жамоавий баҳслар якунига етди.

Финал баҳсида Хитой терма жамоаси ва Хитой Тайпейи терма жамоалари ўзаро энг кучлини аниқлади.

Akorda.kz.



Қозоғистон жаҳон ОАВларида

Хафта давомида бутундунё бўйлаб интернет нашрлари Қозоғистонга оид кўплаб янгиликларни эълон қилди. Шу жумладан, АҚШ ишбилармонларига билдирилган таклиф, Транскаспий халқаро транспорт йўналиши бўйлаб юк ташиш ҳажмини ошириш масаласи алоҳида қайд этилди. Қатар давлатининг сармоявий лойиҳаси ва ҳарбий қисмлар учун видеокузатув инновацияси ҳам муҳокама қилинди. Бу ҳақда батафсил қуйидаги шарҳимизда ўқинг.

Anadolu:

Қатар Қозоғистонга 20 миллиард доллар сармоя киритади

Қозоғистон Республикаси Парламенти Сенатида Қатар давлати билан узоқ муддатли стратегик шерикликка қаратилган қонун лойиҳаси маъқулланди. Натижада ушбу давлат тадбиркорлари Қозоғистонга 20 миллиард доллар сармоя киритади.

Ҳужжат Қозоғистон ҳудудига телекоммуникация, энергетика, транспорт, нефть-газ кимёси, қишлоқ хўжалиги ва молия каби соҳаларда сармоявий лойиҳаларни амалга оширишни назарда тутди. Шунингдек, шартномада сармоядорлар мулкни ҳимоя қилиш, солиқ тўлаш тартиби барқарорлиги, солиқ ва божхона имтиёзлари кафолатланган.

Миллий иқтисодий вазирлиги ҳуқуқий ҳужжатда "Қашаған" қонида газни қайта ишлаш заводи, "Бейнеу-Бозой-Шымкент" магистрал газ қувурининг иккинчи линияси, Қизилўрда электр станциясини қуриш ва Иртиш дарёсидаги ГЭС ташаббуси мавжудлигини маълум қилган.

CentralAsia:

Ташиқ ишлар вазирлиги вакиллари АҚШга сармоявий лойиҳаларини тақдим этди

Қозоғистон Республикаси Ташиқ ишлар вазири ўринбосари Алибек Қуантиров АҚШ Савдо миссияси делегацияси билан учрашиб, ҳамкорликни кенгайтириш масалаларини муҳокама қилди.

Астанада ташкил этилган йўғилишда АҚШ Давлат котибининг Европа ва Евроосиё бўйича ёрдамчиси ўринбосари Дэвид Де Фалько ва АҚШнинг Қозоғистондаги элчиси Дэниел Розенблум иштирок этди.

Учрашувда томонлар АҚШ билан стратегик ҳамкорликни кенгайтириш, савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва сармоявий ҳамкорликни чуқурлаштиришга алоҳида эътибор қаратиш масаласини муҳокама қилдилар. Хусусан, фойдали қазилмаларни етказиб беришнинг барқарор заминини яратиш, агросаноат мажмуаси, молия, ахборот технологиялари, энергетика, транспорт ва логистика соҳаларида геология-қидирув ишларини олиб бориш масалалари кўриб чиқилди. Икки томонлама ҳамкорликни оширишда Америка компанияларининг фаол иштироки бўйича келишувга эришилди.

Trend:

Қозоғистон орқали ўтган транзит контейнерлар сони маълум бўлди

2024 йилда Қозоғистон темир йўли орқали 8 ой ичида 200та Хитой транзит контейнери ўтди. Ташиқ Транскаспий халқаро транспорт йўналиши бўйлаб (ТХТЙ ёки «Ўрта йўлак») амалга оширилди.

Daryo:

Қозоғистон ҳарбий қисмларга "ақлли" камералар ўрнатишни режалаштирмоқда

Мудофаа вазири ўринбосари Дархан Ахмедиевнинг сўзларига кўра, янги технологиялар мудофаа саноати хавфсизлиги ва армиядаги шаффофликни таъминлашга йўналтирилади.

Расмий маълумотларга кўра, сунъий заковат тизимига уланган камералар турли ҳодисаларни баҳолашга қодир. Улар ҳаддан ташқари тирбандликни, ҳарбий тўқнашувларни ва ҳатто қурол оқибатларига руҳсатсиз киришни аниқлай олади. Замоновий видеокузатув воситалари ёрдамида ҳарбий мутахассиснинг иш жойида бор-йўқлиги назорат қилиниб, ҳар куни кузатиш олиб борилади. Барча қайд этилган маълумотлар автомат равишда масъул органга, Миллий мудофаа кўмондонлик марказига йўланади.

24.kz. маълумотлари асосида.

Эски иқонда янгиланган маданият уйи

Жорий йилда Туркистон вилоятида "Қишлоқ – юрт бешиги" дастури доирасида 6та маданият маскани тубдан таъмирланмоқда. Улар – Мақтаарал, Чордара, Сайрам ва Саврон туманларида биттадан, Жетисай туманида 2та маданий иншоот. Вилоят ҳокими Дархан Сатибалди Саврон туманига амалий ташрифи доирасида Эски Иқон қишлоғидаги янгиланган Амир Темур номли қишлоқ маданият уйига ташриф буюрди. Амалга оширилган ишлар билан танишиб, қурилиш сифатини кўздан кечирди.



– Вилоятдаги маданият ўчоқларини янгилаш, у ердаги ишларни жонлантириш керак. Аҳолининг бўш вақтидан унумли фойдаланган ҳолда тўгараклар ва режали тадбирларни мунтазам ўтказиш зарур. Кутубхонага китобхоналарни жалб қилиш, ташриф буюрувчилар сонини ошириш керак, – деди Дархан Сатибалди.

1976 йилда фойдаланишга топширилган маданият иншооти шу кунгача таъмирланмаган. Туман маданият уйига қарашли бинода тубдан таъмирлаш ишлари ўтган йили бошланиб, жорий йилнинг сентябрь ойида тугалланиб, фойдаланишга топширилди. 22 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қиладиган қишлоқдаги 380 ўринли маданият уйи қошида "Дўстлик" этно-фольклор

дастаси фаолият юритмоқда. Умумий майдони 1700 квадрат метр бўлиб, икки қаватдан иборат. Саврон туманида жами 11та клуб, 4та маданият уйи фаолият юритмоқда. Туман аҳолисини маданий-маиший иншоотлар билан таъминлаш мақсадида тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.



Минтақанинг экспорт салоҳияти ортимоқда

Ташқи ишлар вазири ўринбосари Алибек Қуантиров хизмат сафари билан Туркистон вилоятига келди ва вилоят ҳокими ўринбосари Нуралхан Кўшерев билан минтақадаги қатор саноат корхоналари фаолияти билан яқиндан танишди.

Вилоятнинг сармоявий муҳитини яхшилаш йўллари муҳокама қилиниб, тадбиркорлик субъектлари вакилларининг таклифлари тингланди. Алибек Қуантиров саноат паркида корхоналар жамоалари билан мулоқотда бўлди. Вилоят аҳолисининг асосий даромад манбаи деҳқончилик бўлганиги сабабли, сабзавот сақлаш учун замоновий омбор-

хоналарга эҳтиёж ортимоқда. Саврон туманидаги мева-сабзавот омборида бир мавсумда 4000 тоннагача сабзавот сақланади. Бу ерда 35 киши иш билан таъминланган. Шундан сўнг вазир мамлакатимизда илк бор сув тежовчи қурилмалар ишлаб чиқарилаётган "BNK Group LTD" МЧБнинг фаолияти билан танишди. Асосий мақсад – янги технология ёрдамида сувни тежаш, экинлар

ҳосилдорлигини ошириш. Жорий йилда вилоятда қўшимча 22 минг гектар майдонда сув тежовчи технологияни жорий этиш режалаштирилган. Корхона раҳбари Ниязали Бейсенбаев ишлаб чиқариш корхонасининг истиқболдаги режалари билан ўртоқлашди, товар бозорини кенгайтириш, давлат томонидан рағбатлантириш чораларини кучайтиришни таклиф қилди.

"Ақниет Holding" – бу тўлиқ ишлаб чиқариш циклига эга бўлган маҳаллий мебелсозлик компанияси. Корхонада 97 киши меҳнат қилади. Мазкур лойиҳа нафақат ички бозор талабини қондириш, балки Қозоғистоннинг экспорт салоҳиятини кенгайтиришга хизмат қилади.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.



Кун тарихи

Қозоғистонда – Нон куни

2019 йил сентябрь ойида Ҳукуматнинг қарори билан Қозоғистон Республикасининг байрам саналари рўйхатига қўшимча киритилди, унга кўра 16 октябрь Нон куни этиб белгиланди.



Халқимиз азал-азалдан нафақат қадим ўтмиши, бой миллий мероси, буюк алломалари билан, шу билан бирга, турли ноз-неъматлар қаторида тўйимли ва хилма-хил нонлари билан ҳам машҳур бўлган. Нонларда миллатнинг кўп минг йиллик маданияти, тарихий ҳамда миллий қадриятлари билан бирга хўжалик фаолияти ва иқлим шароитлари ҳам ўз аксини топган. Шунинг учун ҳам, нон умуммиллий маданиятнинг ажралмас бўлаги ва ноёб дурдонаси сифатида ҳар доим қадрлидир. Қозоғистон учун эса нон ҳам муҳим экспорт маҳсулотидир.

Байрам санаси ғалла ва нон маҳсулотларининг юксак мавқеини

мустаҳкамлаш, шунингдек, ғаллакорлар, тегиримончилар ва новвойларнинг хизматларини эътироф этиш рамзи сифатида белгиланди. Эслаб ўтайтиш, 2006 йилдан буён 16 октябрь Бутунжаҳон нон куни сифатида нишонланди. Кўпгина мамлакатларда шу куни турли нон маҳсулотлари кўргазмалари, ошпазлар, новвойлар ва қандолатчилар учрашувлари, ярмаркалар, маҳорат дарслари, халқ сайллари, шунингдек, барча муҳтожларга нонни бепул улашиш мақсадида хайрия тадбирлари уюштирилади.

24.kz. маълумотлари асосида.

Обуна–2025

"ЖАНУБИЙ ҚОЗОҒИСТОН" – ДОНО ДЎСТИНГИЗ, ҲАМКОРИНГИЗ!

Қадри муштарий!

2025 йилнинг биринчи ярим йиллигига даврий нашрларга обуна бошланди.

Мустақиллик билан тенгдош халқ минбари ва овози, фахри саналмиш нашр оми ва давлат ўртасидаги олтин кўприк – доно маслаҳатгўй вазирасини ҳалол ва виждонан адо этмоқда. Ҳамиша шундай бўлиб қолади.

Маънавий жиҳатдан юксалиб, камолот сари интилоқ истасангиз, кун сайин вилоят янгиликларидан воқиф бўлмоқни ихтиёр айлаб, оламшумул воқеалардан бохабар бўлай десангиз, ҳеч иккиланмай суюкли «Жанубий Қозоғистон» рўзномасига ёзлинг.

Туркистон вилоятининг «Жанубий Қозоғистон» ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририятидаги рақобатбардош, изланувчан жамоа доим сизларнинг орзуингиздаги жиҳатларга эътибор қаратишга, маънавий хизмат кўрсатишга шай.

6 ойда обуна баҳоси: "Қазпошта" ҲҲ орқали – Туркистон вилояти бўйича – 3415,50 тенге; Шимкент шаҳри бўйича – 3368,00 тенге.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 65466



▼ Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати хабар қилади:

ИЖТИМОЙ СОҶА ДОИМИЙ НАЗОРАТДА



Вилоятимизда камбағаллик ва ишсизликка қарши кураш, ижтимоий соҳадаги камчиликларни бартараф этиш йўналишида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Ижтимоий соҳага ажратилган маблағни белгиланган мақсадга йўналтириш, кўзбўямачиликка барҳам бериш мақсадида назорат юритилмоқда.

Вилоят ҳокими ўринбосари Бейсенбай Тажибаев раислигида ўтган мажлисда ушбу масала муҳокама қилинди. Унда мутасадди бошқарма ва ташкилот раҳбарлари ҳисобот берди.

2024 йилнинг 9 оқи натижаларига кўра, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағаллик даражасини пасайтириш бўйича бажарилган ишлар тўғрисида виллоят бандликни мувофиқлаштириш ва ижти-

мой дастурлар бошқармаси раҳбари Асия Темирбаеванинг ҳисоботи тингланди. Унинг сўзларига кўра, виллоят ҳокими тасдиқлаган "Минтақанинг бандлик харитаси" доирасида 2024 йилда 118,9 минг иш ўрни очиш режаланган. Унинг 74,1 мингтаси доимий иш ўринлари.

Мажлисда "Меҳнат заҳиралари ҳаракатчилиги" маркази директори Абзал Қазанқанов ўзи раҳбарлик қилаётган ва "Мавқе" марказларида олиб борилган текширувлар натижаси билан таништирди. 2024 йилнинг февраль ойида субсидияланган иш ўринларини уюштириш жараёнида маблағни ноқонуний ўзлаштириш ҳолатлари аниқланган. Марказ томонидан аниқланган далиллар Иқтисодий тергов-тафтиш департаментига йўлланиб, тергов ишлари юритилди. Натижада, қонунбузарликларни бартараф этиш борасида тасдиқланган чора-тадбирлар режасига мувофиқ, 82,8 млн. тенге (52 фоиз) давлатга қайтарилди.

Юқорида қайд этилган марказларнинг 43 ходимига интизомий чоралар кўрилди, 16 нафар ходим ишдан бўшатилди.



ЁШЛАР ТАРБИЯСИ — КЕЛАЖАК МЕВАСИ

Сайрам туманида жамиятдаги муҳим масалаларнинг бири ҳисобланган авлод тарбиясига бағишланган семинар-учрашув ўтди. "Авлод тарбиясидаги бурилиш" мавзусида ўтган тадбир виллоят Фахрийлар кенгашининг ташаббуси билан туман, шаҳарларда тизимли йўлга қўйилган.

Учрашувда виллоят фахрийлар кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Абдишуккур Сапарбеков, туман ҳокимининг ўринбосари Мадияр Алипов, фахрийлар кенгаши раиси Илес Айтжан ҳамда фахрийлар кенгаши аъзолари, мактаблар директорларининг тарбиявий ишлар бўйича муовинлари ҳамда зиёлилари иштирок этди.

А. Сапарбеков авлод тарбияси ҳамда ушбу йўналишда фахрийлар кенгаши амалга ошираётган ишлари ва келгуси режалари ҳақида маъруза қилди. Ўз навбатида туман зиёлилари ҳам муваффақиятлари ҳамда муаммоларга тўхталди.



ПАХТА ДАЛАЛАРИДА ИШ ҚИЗҒИН

Вилоят ҳокими ўринбосари Нурбўл Турашбеков Мақтаарал туманига хизмат сафарини индустриявий минтақада жойлашган "ZHANASSYL" МЧБнинг пахта заводи фаолияти билан танишишдан бошлади.

Завод йилига 65 минг тонна пахтани қайта ишлаш қувватига эга. Корхона тўлиқ автоматлаштирилган. Биродарлик директори Абилай Тинибаев пахта қабул қилиш пунктларида ҳосил қабулланаётганини айтди. Жорий йилда заводда 50 минг тонна пахтани қайта ишлаш режаланган. Замонавий технология асосида иш юритадиган корхонада қайта ишлаш жараёнида пахта сифатининг сақланишига алоҳида эътибор қаратилган.

"Мирзакент" МЧБ пахтани қайта ишлаш заводида ҳам иш қизгин. Туманлардаги пахта қабул қилиш бекатларида минг нафарга яқин одам меҳнат қилмоқда. Ишлаб чиқариш қуввати йилига 60 минг тоннани ташкил қиладиган корхона директори Берик Қидиралиев виллоят ҳокимининг ўринбосарига пахтачиликни ривожлантириш, олий навли уруф этиштириш ва пахтани



қайта ишлаш жараёнида риоя қилиниши зарур бўлган талаблар юзасидан таклифларини билдирди.

Жорий йил Мақтаарал туманида 33,7 минг гектарда "оқ олтин" этиштирилмоқда. Бугунги кунгача 18 минг гектар ердаги пахта терилиб, 48 минг тонналик хирмон кўтарилди. Жорий йилда гектаридан 27,2

минг ҳосил олиб, 92,3 минг тонна хирмон кўтариш режаланган.

Умуман олганда, туманда пахтани қайта ишлаш билан 9та завод шугулланади. Уларга тегишли 34та пахта қабул қилиш пункти мавжуд. Бундан ташқари, Жетисай ва Чордара туманларида Мақтааралдаги заводларга тегишли 29та пахта қабул қилиш пункти фаолият юритмоқда.



ДЎСТЛИК ВА ҚАДРОНЛИК — ҚУДРАТЛИ КУЧ

Ўзбекистон Республикасининг Алматы шаҳридаги Бош консули Равшанбек Матчонов хизмат сафари билан Туркистон шаҳрига келди.

"Дўстлик уйи"да ўтган учрашувда виллоят ҳокимининг ўринбосари Ертай Алтаев, виллоят ижтимоий тараққиёт бошқармаси раҳбари ўринбосари Нурсултан Сейтжанов, виллоят маданият бошқармаси

раҳбари ўринбосари Адил Қўнисбеков ҳамда "Ижтимоий тоғувлик" ДКК раҳбари Эльмира Жангазиева иштирок этди.

Учрашувда дўстлик, ҳамкорлик муносабатлари ҳамда кўшма маданий тадбирлар уюштириш муҳокама қилинди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари Ертай Кенжебекули Ўзбекистоннинг янгидан тайинланган Бош консули Равшанбек

Матчоновнинг фаолиятига муваффақият тилади. Ўз навбатида Ўзбекистоннинг Бош консули қабул учун миннатдорчилик билдириб, икки томонлама муносабатларни ҳамкорликда ривожлантиришга тайёр эканлигини маълум қилди.

Учрашув сўнггида меҳмонларга туташ Туркий оламнинг кут-барақаси ва бирлиги тимсоли — "Тойқозон" ҳадая этилди.

ДЕПУТАТЛАР ФУТБОЛ МАЙДОНИДА



Туркистон шаҳрида Қозоғистон Республикаси маслаҳатларининг 30 йиллиги доирасида Туркистон виллоятининг барча даражадаги депутатлари орасида кичик футболдан виллоят биринчилиги ўтди. Виллоят маслаҳати уюштирган мусобақа қизиқарли лаҳзаларга бой бўлди.



Футбол мусобақасининг тақдирлаш маросимида виллоят маслаҳати раиси Нурали Абишов, виллоят ҳокими ўринбосари Бейсенбай Тажибаев ва халқ ноиблари ғолиб жамоаларни кутлаб, мукофотларни топширишди.

Мусобақа якунига кўра, Туркистон шаҳар маслаҳати депутатларидан иборат жамоа 1-ўринни эгаллаб, 1 миллион тенге мукофот пулига сазовор бўлди. 2-ўрин ва 500 минг тенгени виллоят маслаҳати жамоаси, учинчи ўрин ва 300 минг

тенге мукофот Арис шаҳар маслаҳати жамоасига насиб қилди. 4-ўрин ва 200 минг тенге мукофотни Қазигурт туман маслаҳати жамоаси қўлга киритди.

Маслаҳатнинг 30 йиллиги муносабати билан уюштирилган мусобақада фаоллик кўрсатган виллоят маслаҳати депутатлари — Баймахан Сулейменов, Ғани Райимбеков махсус мукофот билан тақдирланди.

Маслаҳатларнинг 30 йиллигини нишонлаш, соғлом турмуш тарзини ташвиқот қилиш мақсадида уюштирилган мусобақада виллоят, шаҳар, туман маслаҳати депутатлари, маслаҳат девони ходимларидан иборат 18та жамоа иштирок этди.

Туркистон виллоят
маслаҳати.

»» Ҳашар — элга ярашар



МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИ ШАНБАЛИКДА

Туркистон шаҳрида умумшаҳар шанбалиги ўтди. Интизом ва озодлик намунаси бўлган тадбирда виллоят марказидаги маданият ва санъат муассасалари ходимлари ҳам иштирок этишди.

"Тоza Қозоғистон" дастури доирасида ўзларига бириктирилган ҳудудларда 100га яқин маданият ходими тегишли ишларни амалга ошириб, кўчаларни чиқиндидан тозалашди. Бундан ташқари, виллоятга қарашли барча маданият муассасаларининг жамоалари ҳам тозалик тадбирларида фаол иштирок этмоқда. Махсус жадвалга кўра, туман, шаҳардаги муассасалар ҳам атрофни чиқиндидан тозалаб, умумхалқ тадбирида фаоллик кўрсатишмоқда.

»» Янги Қозоғистонда эл азиз, инсон азиз

ЛОҚАЙДЛИКНИНГ БАҲОСИ

Азалдан маълумки, бепарво одам душмандан ҳам хавфлироқдир. Чунки душманнын кимлиги, асл қиёфаси сиз учун олдиндан маълум. Бироқ лоқайд ва бепарво одамнинг қиёфасини бирданига билиб бўлмайд.

«Душманлардан кўрқма – нари борса, улар сени ўлдирши мумкин. Дўстлардан кўрқма – нари борса, улар сенга хиёнат қилиши мумкин. Бефарқ одамлардан кўрқ – улар сени ўлдирмайди ҳам, сотмайди ҳам, фақат уларнинг жим ва бепарво қараб туришлари туфайли ер юзида хиёнат ва қотилликлар содир бўлаверади».

Тўлебий тумани фахрийлар кенгашининг навбатдаги йиғилишида мана шу гаплар раис А. Шингисбаев томонидан яна бир бор такрорланиб, бир қанча қишлоқларда ишсизлар кўплиги, кечқурунлари ичкилик ичиб, безорилик қилаётгани айтилди. Фуқароларнинг кирдикорлари ва аянчли оқибатлари ҳақида батафсил маълумот бериш керак.

Лоқайдлик ва ношукрлик осойишталикка таҳдид солаётган иллатлардандир. Бундай таҳдидлар жамият аъзоларида ўз тараққиёт йўлига нисбатан ишончсизлик ва парокандаликни юзага келтиради. Пировардида одамни ўзи туғилиб ўсган юрти ва халқидан воз кечишга, кўриб туриб кўрмасликка олиш, ҳамма нарсага лоқайд бўлган шахсга айланишига олиб келади. Шу сабабли аввало, ёшларни бундай таҳдидларга нисбатан муросасиз бўлишга тайёрлаш зарур. Бунинг учун уларга таҳдидларнинг кирдикорлари ва аянчли оқибатлари ҳақида батафсил маълумот бериш керак.

– Бугун кишиларга “бировнинг ҳаётига, ён-атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга бетараф ва бепарво қараб, шунчаки кузатувчи бўлиб яшайдиган” одамлардан кўрқиб кераклигини, улардан яхшилик чиқмаслигини тушунтириш керак, – деди у. – Шунингдек, уларнинг Ватанига ҳам, эл-юртига ҳам фойдаси тегмаслигини, аксинча, зарари тегишини, мамлакат тақдирига бегонадек қараб туришини, ундайлардан атрофдагилар доимо хушёр яшашларини ўқитиш даркор. Ёшларимизни бир зум бўлса-да эътибордан четда қолдирмаслигимиз лозим, агар биз улар билан шуғулланмасак, “бошқалар” шуғулланиши ва акс ҳолда кейин кеч бўлиши мумкин.

Кенгаш раиси ушбу масала юзасидан ишчи гуруҳ тузилиб, қатъий чоралар кўрилишини айтди.

– Айрим давлатлардаги ўзаро тўқнашувларнинг асосий сабаби – ношукрчилик оқибатидир. Шунингдек, шукроналикнинг акси бўлган ношукрлик, жамиятда илдириб кетиш хавфи катта бўлган маънавий таҳдиддир. Бундай инсонларни динимиз ҳам қоралайди: «Аллох Расули буюради: Аллохнинг қавмларига аталган бир талай неъматлари бор. Қавмлар бир-бирларининг эҳтиёжларини таъминлаган ва бир-бирларининг дардларини арифтаётган вақтларда бу неъматларни уларга беришда давом этади.

Бир-бирларини севмай, бир-бирини чалиб йиқитишга ўта бошлаган вақтларда уларга бераётган неъматларини тўхатиб, бошқа ахил қавмларга беради». Ўзини шу муқаддас Ватаниннг фаровонлиги учун дахлдор деб биладиган ҳар бир киши тинчликнинг моҳиятини нафақат яхши англайди, балки шунга муносиб ҳисса қўшади. Албатта, фаровон кунларимизнинг қадрига етиш, уни асраб-авайлаш зиммаимиздаги улкан масъулиятдир, – деди туманнын бош имоми У. Саурбаев.

Барчамизга аён бўлган ҳақиқат – қаерда бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, долзарб масалалар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Шундай экан, хушёрлик ва жонқуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмронлиги орқали маънавиятни қудратли кучга айлантирайлик.

О. РАҲИМҒОЗИЕВ.

»» «Обуна – 2025»

ҚАДРДОН НАШРНИ ЭЪЗОЗЛАГАН НУРИСЛОМ!



«Кексалик гашт эмас», дея бежиз айтилмаган экан. Кўп йиллардан буён безовта қилиб келаётган хасталик – оёқларимдаги артрит, артрозни даволаш учун Алмати шаҳридаги нуфузли клиникага мурожаат қилдим.

Жарроҳи муваффақиятли ўтди. Шифокорлар тавсияси билан анча вақт уйда бўлишимга тўғри келди. Ўзим обуна қилдирган 15 нусха «Жанубий Қозоғистон» газетасини ҳамқишлоқларимга ўз вақтида етказишда азиз неварам, Собир Раҳимов номли мактабда 6-«А» синфда ўқиётган Нурислом Асхад ўғли ёрдам берди. У дарсдан бўш пайтларида газеталарни муштарийларга етказиб, олқиш олаётганлигини мамнуният билан қайд этаман ҳамда қадрдон нашримизнинг барча муштарийларига мустаҳкам саломатлик тилайман.

Ирисқул АББОСОВ,
ҚРда хизмат кўрсатган маданият арбоби,
вилоят оқсоқоллар кенгаши ҳайъат аъзоси.

Тасвирда: И. Аббосов невараси Нурислом билан.

Ш. Мадалиев суратга олган.



«Жанубий Қозоғистон» вилоят газетаси обунасига шахсан 40 нусха билан ҳисса қўшиб келаётган саховатпеша тadbirkor, Туркистон шаҳар маслаҳатининг депутаты Дониёр Аюпов (тасвирда) билан суҳбатимиз Астана шаҳрида ҚР Президенти Қ. Тўқаев иштирокида ўтган барча даражадаги маслаҳат депутатлари анжумани ҳақида бўлди.



Ленгер шаҳрида «AMANAT» партиясининг Тўлебий тумани филиали ташаббуси билан ташкил этилган «Мутаассиб оқимга интилма, ёш дўстим!» учрашувида туман имоми У. Саурбаев Ленгер шаҳар фахрийлар кенгаши раиси У. Абдуқаримов, туман маслаҳати котиби Н. Қўйбағаров, «Дин масалаларини таҳлил қилиш маркази» мутахассиси Қ. Аширбаев, қатор қишлоқ масжидлари имомлари ҳамда тумандаги ёшлар бирлашмалари вакиллари иштирок этишди.



Тadbirkor «AMANAT» партияси Тўлебий тумани филиали ва имомлар тумандаги 52 мактабни оралаб, ўқувчилар билан диний экстремизм ва уларнинг ёшлар маънавиятига таъсири ҳақида суҳбатлар ўтказишгани айтилди.

– XXI асрда мафқуравий курашларнинг ақл бовар қилмайдиган кўринишлари пайдо бўлмоқда, – деди У. Саурбаев. – Тезкор ўзгаришлар давридаги энг мураккаб муаммо бу – ғоявий ва мафқуравий ўғрилик. Дунёда ахборот хуружлари уюштириш учун миллионлаб доллар маблағ сарфлашмоқда. Бугун ёшларнинг 90 фоизи асосий ахборот манбаи сифатида интернетга мурожаат қилишади. Айни пайтда тизимда ўз жонига қасд қилишнинг осон йўллари тарғиб қилувчи кўплаб сайтлар мавжуд. Компьютер уйинларининг ярмидан кўпи зўравонлик ва ёвузликни тарғиб қилади. Халқаро таҳлилчилар жаҳон миқёсидаги бола-

»» Янги Қозоғистонни бирга барпо этамиз!

ДЕПУТАТ БИЛАН МУЛОҚОТ

– Таассуротларим ўта кўп. Давлат раҳбари Қ. Тўқаевнинг ёш авлодининг истиқболли маърифати ва заковатини мақсад тутган маърузасини диққат билан тингладим. Унинг ишчанлик фазилатига тан бердим. Депутатлар билан мулоқот чоғида англаганим – биз, Қозоғистон халқи ҳамжиҳатлик ва аҳилликда кўп довлонларни енгиб ўтишга қодирмиз ва албатта, ҚР Президенти сентябрь ойидаги Мақтубида белгиланган залворли масалаларнинг ҳаётга татбиқ этилишига эришамиз. Анжумандан сўнг меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнат хавфсизлиги ва самарадорлиги юзасидан мутасадди

вазирлик ходимлари қабулида бўлиб, депутатлик сўровномани йўлладим, – дейди халқ ноибни Дониёр Аюпов.

Ш. МАДАЛИЕВ.

P.S. Туркистон шаҳар маслаҳатида вақилимиз сифатида самарали фаолият юритаётган Дониёр Аюповга сўхат-саломатлик, ишларида омад тилаб, ўзи ҳомийлигида Туркистон шаҳри ва Сўзқ туманида «Жанубий Қозоғистон» вилоят газетасини мутлақ қилаётган кекса ёшдаги муштарийлар номидан миннатдорчилик билдирамиз.

МУТААССИБ ҒОЯЛАР – ЖАҲОЛАТ ЎҶОҒИ



Бугунги мураккаб замонда одамзод ҳар қадамда хушёр бўлмаса, аввало, унинг ўзи кашф этган техник янгиликлар фойда эмас, зарар келтириши мумкин. Энг ёмони, инсонлар ўртасидаги лоқайдлик ва бепарволикдан ғаразли кучлар фойдаланиб, ўзларининг ёвуз ниятларини амалга ошириши ҳеч гап эмас.

– Маънавият ва тарбия масалаларига эътиборсизлик ҳар қандай давлат хавфсизлигини, унинг миллий маифаатларини хавф остига қўйиши ва охир-оқибатда жамиятни таназзулга олиб келиши мумкинлигини кўрсатмоқда, – деди сўзга чиққан туман ноиб-имомни, диний тарбия ҳақида ўнлаб мақолалар тўплами ва монографиялар муаллифи А. Туртаев.

Хулоса ўрнида айтганда, бугунги шиддатли даврда чинакам маънавиятли, сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан етук инсонгина ўз миллий қадриятларини, миллий ўзлигини англаши, эркин ва озод жамиятда яшаш, ўз давлатининг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаши учун фойдалилик кўрсатиб, меҳнат қилиши мумкин.

Йиғин сўнггида туман имоми У. Саурбаев кам таъминланган оилаларга 100 қоп ун ҳада қилган «Аққум-астық» қорхонаси раҳбарларига миннатдорчилик билдирди.

А. АБДУФАТТОҶ.

»» Ҳамкорлик уфқлари

ЮКСАЛИШ САРИ

Самарқанд давлат чет тиллари институтининг француз тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчилари 2023-2024 ўқув йилига белгиланган вазибаларни масъулият билан амалга ошириб, республика ва халқаро миқёсда кўплаб ютуқларни қўлга киритишмоқда.

Шунингдек, кафедрамиз ўқитувчилари Муҳайё Ризаханова, Албина Степанян 14-28 июль кунлари Франциянинг Бор-деау шаҳрида икки ҳафталик тўлиқ молиялаштирилган тажриба амалиётларини ўтиб келишди. Нигина Пўлатова, Дилфуза Отауллаева, Дилбар Насимова, Гулноза Аъзамова Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида Франциянинг Пуате университети ҳамда Франциянинг Қозоғистондаги элчихонаси, Қозоғистоннинг Абай миллий педагогика университети Сорбонна-Қозоғистон институти би-

лан ҳамкорликда 23 июндан 3 июлгача ташкиллаштирилган «Langue et culture française» ёзи ўқув дастурида иштирок этишди. Бу дастурлар орқали чет тили дарсини замонавий таълим технологиялари, интерфаол усуллардан фойдаланган ҳолда қизиқарли ва самарали ташкил этиш, чет тилин тез ва осон ўргатиш стратегияларини ўрганишди.

Кафедрамиз таълим соҳасидаги Халқаро алоқалар доирасини кенгайтириш, ислохотлар узвийлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшишга қўшишга бел боғлаганмиз. Талабаларга бой, сифатли билим кўникмаларини бериш, уларни Ватанимиз равнақи йўлида хизмат қила оладиган етук кадрлар сифатида етиштириш бизнинг устувор вазиламиз ҳисобланади.

Улаш БОБОЕВ,
СамДЧТИ француз филологияси кафедраси мудир.

»» Заковатли миллат

ТЕНГ МУНОСАБАТЛАР МАКТАБИ ОЧИЛДИ

Сариоғоч туманида алоҳида эътиборга муҳтож болаларга мўлжалланган «Aqildi bala» тенг муносабатлар таълим маскани фойдаланишга топширилди.

Мақтабнинг очилиш маросимида туман ҳокими Арман Абдуллаев иш-

тирок этиб, хайрли ишга ташаббускор бўлган инсонларга миннатдорчилик билдирди. Ушбу мактабда 100 нафар бола тўлақонли билим олиш имкониятига эга бўлади. Шунингдек, унда 17та фан ва 8та кўшимча дарс ўтказилади. Таъкидлаш жоизки,

тенг муносабатлар мактабида робототехника, вокал ҳамда хореография тўғрқларни мавжуд бўлиб, дарслардан сўнг турли муолажалар ўтказилади.

Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.

»» Ёднома

ЭЛ КОРИГА КАМАРБАСТА ИНСОН ЭДИ

Туркий оламнинг маънавий пойтахти, вилоят марказида хайрли ва савоб ишларга ҳисса қўшиб келаётган ҳимматли ҳамкасбимиз, ёш авлод таълим-тарбияси йўлида тер тўккан заҳматқаш муаллим Жаҳонгир Сайдулла ўғли 42 ёшида фониждан чин дунёга рихлат қилди.

Ж. Диметов педагогика коллежини тамомлагач, Халқлар дўстлиги университетиде тахсил олди. Дастлаб Туркистон шаҳрида Шароф Ниёзов, сўнг Б. Мўмишули номидаги 22-сонли мактабда меҳнат қилди. Масжид ҳамда кам таъминланган оилаларга уй қуриш, кўчаларни ободонлаштириш каби кўплаб хайрли ишларда «Улес» хайрия жамғармасининг фаолиятига меҳнати, хизмати билан баракали ҳисса қўшди. Асл инсон Жаҳонгирнинг эл-юрт равнақи, фаровонлиги йўлидаги ҳаёти ва фаолияти бугунги ёш авлод учун ибрат мактаби бўлиб қолади.

Марҳумнинг оиласи, қариндош-уруғларига ҳамдардик билдириб, таъзия изҳор қиламиз. Унинг ёрқин хотираси қалбларимизда сақланиб қолади.

Райимжон ҚўҶҚОРОВ,
«Улес» хайрия жамғармаси ва Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси.



»» Саврон туманида

УСТОЗЛАР ЖАМОАЛАРИ САРДОРЛАРИ БИЛАН МУЛОҚОТ



Тахририят топшириги билан сафаримиз чоғида Интимақ қишлоғидаги Мўлда Муса номли мактабда малака ошираётган фаол обуначиларимиз – Саврон тумани қишлоқларидаги мактаб директорлари билан мулоқотда бўлиб, уларни ўқитувчилар байрами билан тахририят номидан муборакбод этдик.

Хусусан, Ж. Ташенов, В. Воҳидов, "Қўшқўрғон", А. Югнакий, М. Маметова, М. Ауезов, С. Қўжанов номли мактаблар ва 5-сонли интернат раҳбарлари Қанат Қалиев, Асқар Бекжанов, Тоҳиржон Басанов, Меҳринисо Иззатуллаева, Шўлпан

Ахметова, Алия Алдиярова, Нуржан Қадиров, Абай Ақжановлар маориф соҳасида қатор ютуқларга эришадиган ўқитувчилар жамоасига самарали раҳбарлик қилишмоқда.

ҚР Президенти Қ. Тоқуаевнинг Қозғистон Халқига бу йилги

Мактабда жамиятимизнинг пешқадам зиёлилари – устозлар аҳли ҳақида қайд этилган улуғвор мулоҳаза, режалар хусусида фикр алмашдик. Қуни кеча умумхалқ референдумининг муваффақиятли ўтишида ҳам суҳбатдошларим бошқараётган жамоаларнинг муштарак меҳнати ва ҳиссасида бўлди.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирда: Саврон туманидаги мактаблар директорлари – фаол обуначиларимиз.
Муаллиф суратга олган.

Таҷрибали муаллима Ҳамида Зуппархон қизи (тасвирда) раҳбарлик қилаётган 1-сонли умумтаълим мактабини ўтган ўқув йилида 21 нафар ўқувчи тамомлаган. Уларнинг 14 нафари ЯМТда иштирок этиб, 9 нафари давлат гранти асосида олий ўқув юрларида тахсил олмақда.

Ушбу ўқув даргоҳи Саврон тумани бўйича Қозғистондаги 100та пешқадам мактаб қаторига кирган.

"Жанубий Қозғистон" вилоят газетаси тахририяти ташаббуси билан Саврон тумани ўзбек этномаданият бирлашмаси кўмағида мактаб кутубхонасига "Кутубхонага меннинг китобим" акцияси ташкил этилиб, ўзбек, қозоқ, рус тилларидаги юзлаб бадиий, адабий китоблар тўхта қилганимиз маънавий-маърифий ёрдамимиздир.

Мактаб жамоаси келгуси ярим йилликка 50 нусха газетага обунани расмийлаштирди.

Ш. МАДАЛИЕВ.
Муаллиф суратга олган.

ЭСКИ ИҚОН ҚИШЛОҒИДАГИ 1-СОНЛИ МАКТАБДА



»» Янги Қозғистонни бирга барпо этамиз!

А. МЎЛДАҒУЛОВА НОМЛИ МАКТАБДА

50 нафар газета муштарийлари меҳнат қилаётган А. Мўлдағулова номли мактаб директори Баҳриддин Нурметов билан ўтган йилги ўқув якунлари ҳақида суҳбатлашдик.



Директор ўринбосари Нилуфар Абдуваҳобованинг маълумотларига кўра, мактабни тамомлаган 25 ўқувчининг 20 нафари ЯМТда иштирок этган. Битирувчиларнинг 14 нафари давлат грантлари асосида Қозғистон олий ўқув юрларида тахсил олмақда. Мактаб атрофи ободонлаштирилиб, ҳовлисига қоплама тўшалибди.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Суратда: мактаб директори Б. Нурметов ва муовини Н. Абдуваҳобова.

Муаллиф суратга олган.

“ЖАЙДАРМАН”ЧИЛАР КУЧ СИНАШДИ



Тағбирни таниқли ҳажвчи Нурсултан Усенов олиб борди. Унда Шимкент шаҳридан "Мад-

муазель", "Сезон", "Самал 3", Ақтўбе вилоятдан "Бизде осы", алматилик "Эверест" ҳамда

вилоятимиз шарафини ҳимоя қилган "Теле би" ва Сайрам туманининг "Ақбулак" гуруҳлари иқтидорини намойиш қилиб, томошабинларнинг олқишига сазовор бўлди.

Мусобақа якунларига кўра, "Ақбулак" гуруҳи (Сайрам тумани)нинг иштирокчиси Ерман Бекули "Энг яхши иштирокчи" номинациясига ноил бўлди. Шимкент шаҳридан "Мадмуазель" гуруҳи 3-ўринни, Ақтўбедан келган "Бизде осы" гуруҳи 2-ўринни эгаллашди. "Эверест" гуруҳи эса 1-ўринни эгаллаб, мусобақа голибига айланди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

»» Устозлар шарафланди

Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси ҳамда "Улес" хайрия жамғармаси раиси Райимжон Қўқоров саъй-ҳаракатлари билан шаҳар марказидаги "Интимақ" уйда нафақа ёшидаги фахрий ҳамда устоз-муаллимлар ўқитувчилар куни арафасида муқотлар билан тақдирланди.

ИЗЗАТ-ИҚРОМ КЎРСАТИЛДИ



Хусусан, бирлашма қошидаги оқсоқоллар ва хотин-қизлар кенгашлари раислари Тўлқин Саидмуродов ва Мухаббат Иброҳимовалар ёш авлодга

таълим-тарбия бераётган захматқаш ўқитувчиларни муборакбод этиб, мустақам саломатлик тилашди.

"Бирлик" кичик туманидаги

мактаб директори Тўлқин Маҳкамбоев, Қарноқ қишлоғидан фахрий санъаткор Файзулла Мирзахмедов, А. Навойий номли мактабдан Умида Ганибоева, ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Насиба Ориповалар шулар жумласидандир. Райимжон Қўқоров ҳомийлигида жорий йил октябрь ойидан эътиборан, мунтазам равишда барча пешқадам устозлар қўшни Ўзбекистоннинг Бухоро ва Самарқанд шаҳарларига бепул йўлланма билан тақдирланган экан.

Хусан УБАЙДУЛЛАЕВ,
Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси.
Тасвирларда: тадбирдан лавҳалар.

Ш. МАДАЛИЕВ
суратга олган.



МЕҲНАТГА МУНОСИБ БАҲО



Шимкент шаҳри, Бодоморти даҳасида ажойиб учрашув ўтди.

Унда шаҳар фахрийлар кенгаши раҳбари Кенжехан Тўлебаев, унинг ўринбосари Жанпейис Қўбланов иштирок этиб, 5та туман фахрийлар кенгаши вакилларининг оғиб бораётган ишлари муҳокама қилинди.

Анъанавий семинар-кенгашда бодомортилик фахрийлар фаоли, маҳалла қўмитаси раиси Тўйчивой Исломовнинг фаолиятига юксак баҳо берилди. Тўйчивой Ашур ўғли ҳамда унинг ёрдамчилари Сайдулла Тўйчиев ва Маҳмуджон Исоқовлар аҳоли ўртасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳисобот беришди.

"Жанубий Қозғистон" муҳбири.



Устозим

Шамчироқ бўлиб, йўлим ёритган,
Ҳарфни эринмай менга танитган,
Дилдан губорни илм-ла аритган,
Устозим, менинг энг меҳрибоним,
Сиз-ла бахтиёр ўтар ҳар оним.

Ҳар сабогингиз мен-чун бир китоб,
Ҳеч ким қилолмас, сиздайин хитоб,
Шогирдлар учун мисли Сиз оқтоб,
Устозим, менинг энг меҳрибоним,
Сиз-ла бахтиёр ўтар ҳар оним.

Савобнинг кўпи ёлғай сизга,
Илмни баҳишда этасиз бизга,
Бор эзгуликни тилаймиз Сизга,
Устозим менинг энг меҳрибоним,
Сиз-ла бахтиёр ўтар ҳар оним.

Дурдона КАМОЛОВА,
Фурқат номли мактабнинг
10-«Г» синф ўқувчиси.
Сайрам тумани.

Директор – Бош муҳаррир
Райимжон Ортиқбой ўғли
АЛИБОВЕВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ,
Авазхон БУРОНБОВЕВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Саврон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22.
Кентов, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97.
Қазигурт – Хуршид ҚўЧҚОРОВ. +7701-447-37-42.
Сайрам – Зокиржон МҮМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90
Тулқибой – Мунира СЎДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71.
Жетисай, Мақтарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97
Келес, Саригоч – Малика ЭЛТОВА. +7702-841-78-82

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – "Жанубий Қозғистон" вилоят ижтимоий-сиёсий
газетаси тахририяти" масъулияти чекланган биродарлиги.

● Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги
томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди,
КЗ34VRY0022503 гувоҳнома берилган.

"ERNUR-ppt" МЧБ босмахонасида chop этилди,
Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.

Қозғистон Республикасида тарқатилади.

МАНЗИЛИМИЗ:
160000, Шимкент шаҳри,
Тауке хан шоҳқўчаси, 6-уй, 3-қават.
Телефон: 53-07-10. Телефакс: 53-04-66.
Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсаткичи – 65466.

Адади – 11000 нусха.

Бўғим:
2529.

Навбатчи муҳаррир: Малика ЭЛТОВА.